Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · “Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnologik tarmoqlardagi o‘rni” mavzus...

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallar to‘plami *Andijan 2023 yil 10-noyabr*

Темурийлар даврида Мовароуннаҳр аҳолисининг этник таркиби хусусида

Абдуллаев Улуғбек – Андижон машинасозлик институти, “Гуманитар фанлар” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори.

Исомиддинов Нодирбек – АТ-17-23 гурух талабаси

Маьлумки, “Темур тузуклари” номли асар Амир Темур ва унинг авлодлари даврида юртимизда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу асарда ўша даврда Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудлар аҳолисини этник таркибига оид кўплаб қимматли маълумотлар ҳам мавжуд.

Соҳибқирон қарамоғида 40 аймоқ бўлиб, улардан 12 таси унинг хос навкарлари ҳисобланган. Бу хусусида “Темур тузуклари”да қуйидаги қайдлар бор. “Қарамоғимдаги қирқ аймоқдан ўн иккитасига барлос, тархон, арғин, жалойир, тулкичи, дўлдай, Муғул, сулдуз, тўқай, қипчоқ, арлот, тоторга тамға берилсинким, булар менинг хос навкарларим бўлиб ҳисоблансинлар”[12].

Бундан ташқари қолган 28 та аймоқ бошлиқларига улус амирлиги берилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Амир Темур ўзи мансуб бўлган барлос уруғига катта имтиёзлар берган. Кўпинча соҳибқирон ўзининг йирик саркардаларини шу уруғ вакилларидан тайинланган. “Темур тузуклари” да кўрсатилишича Амир Темур барлос уруғидан тўрт кишини ул-умаро қилиб тайинлаган. Булар Амир Худойдод, Амир Жаку, Амир Ийгу Темур ва Амир Сулаймоншоҳ. Барлос уруғидан яна 100 киши мингбоши лавозимига тайинланган.

Биз олдинги саҳифаларда барлослар, арғинлар, жалойирлар ва қипчоқлар ҳақида тўхталган эдик. Уларнинг этник мансублиги ва айрим этник хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирганмиз.

Амир Темур ишонч билдирган қабилалардан яна бири бу *сулдуз*лардир. “*Сулдуз улусидан Элчи Баходирга амирлик мартабасини бердим*” деб ёзилган “Темур тузуклари” да. Сулдуз этноними Рашид-ад-диннинг “Жоме-ут-таворих”, Абулғозийнинг “Шажараи турк”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларида тилга олиб ўтилган. Алишер Навоий ҳам “Агар барлос, агар тархон, агар арлот, агар сулдуз” деб сулдуз этнонимини қайд қилган эди.

Ўзбекистон фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган “Насабномайи ўзбек” ва “Тарихи Соми” қўлёзма асарларда сулдуз-92 бовли

[12] “Темур тузуклари” Т., 2011. 125-126 бетлар.

Published: 10.11.2023

Cite this article: Абдуллаев Улуғбек, Исомиддинов Нодирбек (2023). Темурийлар даврида Мовароуннаҳр аҳолисининг этник таркиби хусусида. Emro Science and Education, 1(1). https://journal.emro.uz/public/maqola/486

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

ўзбек уруғлари сирасига киритилган[13]. Айрим олимлар сулдуз атамаси Муғулча сўз бўлиб “байроқдорлар” маъносини билдиради; деб айтадилар.

Ушбу этнос чингизийлар давлати таркибида Муғулистон Хитой ва Эронда хизмат қилишган. Сулдузларнинг катта бир гуруҳи Чингизхон қўшини сафида Дашти Қипчоқда, айрим гуруҳлари эса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ва шимолий Афғонистонда жойлашган эди.

Сулдузларнинг катта бир қисми XIV асрнинг 50 йилларида Балхда яшаган. XVI-XVII асрларда сулдузлар маҳаллий ўтроқ аҳоли таъсирида ўтроқлашиб, XVIII-XIX асрлар мобайнида улар Ўрта Осиё ва Афғонистондаги халқлар таркибига қўшилиб кетдилар.

XX аср бошларида ўзбек халқ этник таркибида сулдуз этноними учрамайди. Ушбу атама фақат жой номлари (топонимлар) да сақланиб қолди холос. Масалан, Андижон вилояти Олтинкўл туманида Сулдуз қишлоғи мавжуд.

“Темур тузуклари”да “Муғул улусидан Темур Хожа ўғлонни амирлик мартабасига етказдим” деб кўрсатилган. Амир Темур амирлик мартабасига кўтарган Темур Хожа ўғлон ва у сардорлик қилган Муғул халқининг этник тарихи ҳақида қисқача бўлсада қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш мумкин. XIV-XV асрлар давомида Муғулларнинг асосий қисми Муғулистонда яшар эдилар. Уларнинг айрим гуруҳи кейинчалик Чиғатой улусининг шарқий минтақаларига (Еттисув, Шарқий Туркистонга) келиб жойлашганлар. Улар маҳаллий туркий халқларнинг этномаданий муҳитида яшаб, тил жиҳатидан туркийлашиб, Муғул номини олганлар. “Темур тузуклари”да кўрсатилган Муғул этник номи шуларга нисбатан ишлатилган.

Тарихдан маълумки, Амир Темур вафотидан кейин темурзодалар ўртасида зиддиятлар авж олди. Айниқса, XV асрнинг иккинчи ярмида Сохибқирон авлодлари ўртасидаги бундай зиддият ниҳоятда кучайди. Натижада, Даштиқипчоқда яшовчи ўзбеклар темурийлар эгаллаб турган ҳудудларга тез-тез ҳужум қилиб, тинч аҳолини талаб кетар эдилар.

XVI асрнинг бошларига келиб эса Жўжихон авлодидан бўлган Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги Даштиқипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиёга бостириб кирдилар ва тез фурсат ичида бу жойларни эгаллаб, ўз ҳукумронлигини ўрнатдилар. Қуйида Даштиқипчоқ ўзбеклари ҳақида батафсилроқ сўз юритамиз.

[13] Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII в (писменные памятники). Т., 1985, 130-131 бетлар